XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 11 - oktabr VI-58-129-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман ҳокимлигига маблағ ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлигининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда Жиззах шаҳрида ўтказилган Мустақиллик байрамига иштирокчиларни транспортда ташиш харажатларини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан туман ҳокимлигининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун 18 200.0 (ўн саккиз миллион икки юз) минг сўм ҳамда Жиззах шаҳрида ўтказилган Мустақиллик байрамига иштирокчиларни транспортда ташиш харажатлари учун 3 200.0 (уч миллион икки юз) минг сўм, жами 21 400,0 (йигирма бир миллион тўрт юз) минг сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

2. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик бўлинмаси (Б.Саттаров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари

бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**